

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
Б У Й Р У Ё И



П Р И К А З
МИНИСТРА ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “11” июнь

№ 185-ч.ч

“ ”

2019 года

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 7 июндаги 468-сон қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 7 июндаги 468-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 7 июндаги 468-сон қарори (бундан буён матнда Қарор деб юритилади) маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қарорга асосан:

Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган давлат олий таълим муассасаларига бакалавриатига ўқишга кириш учун абитуриентлар Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиши;

абитуриентларнинг ҳужжатлари жорий йил 15 июндан 15 июлга қадар қабул қилиниши инобатга олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (Х.Турахужаев):

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2019 йил 7 июндаги 17-сон баёнига асосан Тошкент давлат юридик университети, Қорақалпоқ давлат университети,

Гулистон давлат университети, Фарғона давлат университети ҳамда Самарқанда давлат университетининг бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга кириш учун абитуриентларнинг Давлат хизматлари марказлари орқали ўз вақтида рўйхатдан ўтказилишини;

Давлат тест маркази ҳамда олий таълим муассасаларининг масъул ходимлари иштирокида Қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентни амалда қўллаш самарадорлиги ва натижадорлиги даражасини оширишга йўналтирилган семинарлар ўтказилишини таъминласин;

Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзга эга бўлган абитуриентларнинг реестрининг ваколатли органлар томонидан шакллантирилишини назорат қилсин;

тасдиқланган маъмурий регламент талабларини бузганлик учун давлат хизматларини кўрсатишда иштирок этувчи ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо чораларини белгиланган тартибда қўлласин;

зарурат бўлганда, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда абитуриентларга олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун давлат хизматлари марказлари орқали давлат хизматларини кўрсатиш учун меҳнат қонунчилигига риоя этган ҳолда, кўнгиллилар гуруҳини пулли асосда жалб этиш чораларини кўрсин.

4. Тест синовлари ташкил этилаётган ўқув йилидан аввалги йилларда таълим муассасаларини тугатган абитуриентлардан (ногиронлиги бўлган ёки тўлиқ давлат таъминотидаги шахслар бундан мустасно) фақатгина тест синовларида иштирок этиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярим баравари миқдорида тўлов ундирилсин ҳамда ушбу тўловлар белгиланган тартибда Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилсин.

5. Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси (Д.Умаров) бир ой муддатда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини Қарор талабига мувофиқлаштириш чораларини кўрсин.

6. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (Ў.Назаров) ушбу буйруқни вазирликнинг манфаатдор таркибий бўлинмалари эътиборига етказсин.

7. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

Тошкент шаҳри



Р. Давлетов